

Мол учун ҳаракат қилиш

00:00 / 03.03.2017 3700

Ҳинш ибн Ҳорисдан, у киши отасидан ривоят қилинади:

«Ичимиздан бир кишининг оти туғса, уни сўйиб ер ва буни мингунча яшармидим, дер эди. Умардан бизга «Аллоҳ сизларга берган ризқни ислоҳ қилинглар, ишда кенглик кўп» деган мактуб келди».

Шарҳ: Баъзи кишиларда дунё ишларини тартибга солиш, уларни яхшилаш борасида иш олиб бориш яхши эмас деган хаёл бўлади. Ушбу ривоятда ўша маънодаги гаплардан бири ҳақида сўз юритилмоқда. Ровийнинг айтишларича улар яшаб турган жамоада байтали қулун туққан одам, бу қулун катта бўлгунча мен боманми, йўқманми, уни минармидим деган нотўғри фикрга асосланиб тойчиқни сўйиб емоқни афзал кўрар эканлар.

Афтидан, бу хабар халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга етиб борган ва у киши дарҳол мазкур қавмга муктуб юбориб, Аллоҳ таоло сизга берган ризқнинг қадрига етинг, уни ислоҳ қилиб, ўзингизга кўпроқ фойда келтирадиган қилинглар, бу осон иш эмас, дедилар. Яъни, тойчоқларни сўяверса, яхши бўлмайди. Лекин сабр қилса, уларни яхшила тарбия қилса, улар кўпаяди.

Демак, мўмин-мусулмонлар мол-дунёни тўғри тасарруф қилишга, уни кўпайтиришга, зое қилмасликка ҳаракат қилишлари керак экан.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қиёмат қойим бўлиб қолса, бирортангизнинг қўлингизда хурмо кўчати бор бўлса, қиёмат қоим бўлгунча улгурса, экиб қўйсин», - дедилар».

Шарҳ: Демак, дунёнинг ишига ана шундай муносабатда бўлиш керак экан. «Экканимиз билан мевасини ўзимиз ермидик, қариб қолдик, дунёнинг нима кераги бор» қабилидаги гаплар тўғри эмас экан.

Аксинча, ҳатто қиёмат қойим бўлиб қолса ҳам, улгурса қўлидаги кўчатни экиб қўйиш керак экан.

Бу ҳадисни аслида Абу Дардо розияллоҳу анҳу ривоят қилганлар. Шомда кўпчилик кетаётган пайтда бир кексайиб қолган, қошлари ўсиб, кўзларини тўсиб қўйган бир қария уриниб, кўчат экаман, деб қийналиб ҳаракат қилаётган эканлар. Шунда кетаётганлар тўхташиб: «Отахон, қариб қолибсиз, сизга кўчат экишни ким қўйибди, дам олсангиз бўлмайдимми?» дейишган.

Ўша қария Абу Дардо розияллоҳу анҳу эканлар ва «Менинг ҳабибим – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга айтганларки», - деб мана шу ҳадисни айтганлар.

Саҳобаи киромлар кексайиб қолганларида ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларини маҳкам тутганлар, жумладан қариганларида ҳам ободончиликка, кўчат экишга, келажакда мусулмонларнинг иқтисоди яхши бўлишига шу қадар ҳаракат қилганлар.

Довуд ибн Абу Довуддан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Салом менга:

«Агар сен хурмо кўчатини экаётган пайтингда Дажжол чиққанини эшитсанг ҳам экавер. Шошилмай, уни ислоҳ қил. Ҳали ундан кейин ҳам одамлар яшайдилар», деди».

Шарҳ: Хурмо энг секин ўсадиган дарахтлардан биридир. У бир-икки йилда мева қилмайди. Жуда кичкина бўлади, секин-секин йилма-йил ўсиб бориб, жуда қийинчилик билан мева қилади. Шунинг учун бу ерда айнан хурмо кўчатининг мисол келтирилиши ҳам бежиз эмас.

Бир йил-ярим йилда мева қила бошлайдиган шафтоли ёки бошқа бир шунга ўхшаш мева мисол қилинмаган. Чунки хурмога бир-икки йил ҳам, уч-тўрт йил ҳам камлик қилади. Демак, қиёмат ғоятда яқинлашиб, ҳатто Дажжол келаётган бўлса ҳам хурмо кўчатини шошилмай экавер, дейилмоқда.

Мана бу ҳолатлар сиз билан биз – мўмин-мусулмонларга катта танбех бўлиши керак, ҳаммамиз бундай ишларга катта эътибор билан қарашимиз керак.

Ўзимиз, оиламиз, ватанимиз ва инсониятга фойдали ишларда ҳафсаласиз бўлмаслигимиз лозим. Балки бу хилдаги ишларда барчага ўрнатилган бўлишга урунишимиз керак.